

VII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Юк ташиш. Автомобиль транспортида 21,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 0,3 млн. тоннага кўпдир. Юк айланмаси 398,3 млн. тн-км га етди ва бу ўтган йилнинг мос дарига нисбатан 0,1 млн. тн-кмга кўп демакдир.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 97,6 % бўлиб, 104,2 млн. тн-км ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 26,2 % ни ташкил этди (2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 27,2 %).

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг юк ташиш бўйича улуши 95,1 % ни ташкил этган.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича ифодаланиши

	2020 йил январь-сентябрь	2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, % да
Ташилган юк, млн. тн.	21,7	101,2

шу жумладан:

Автомобил транспортида	21,7	101,2
------------------------	------	-------

Юк айланмаси, млн. тн-км.	398,3	101,4
---------------------------	-------	-------

шу жумладан:

Автомобил транспортида	398,3	101,4
------------------------	-------	-------

Йўловчи ташиш. 2020 йил январь-сентябрь ойларида барча транспорт турлари томонидан 314,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 87,8 % га кўпайган.

Йирик корхоналар бўйича:

Вилоятда кузатилаётган даврда автотранспорт иши бўйича ҳажмли корхоналар сони 43 тани ташкил этиб, улар томонидан қуйидаги асосий кўрсаткичлар шаклланди:

Ташилган юклар ҳажми 1,0 млн. тонна, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,3 % ни ташкил этди (жами вилоятда ташилган юклар ҳажмидаги улуши 4,9 %);

Юк айланмаси ҳажми 23,4 млн. тн-км, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 78,0 % ни ташкил этди (жами вилоят юк айланмаси ҳажмидаги улуши 5,9 %);



Ташилган йўловчилар ҳажми 5,6 млн. йўловчи, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 44,6 % ни ташкил этди (жами вилоятда ташилган йўловчилар ҳажмидаги улуши 1,8 %);

Йўловчи айланмаси ҳажми 215,1 млн. йўловчи-км, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,7 % ни ташкил этди (жами вилоят йўловчи айланмаси ҳажмидаги улуши 3,5 %).



Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 89,3 % га кўпайиб, 6 089,7 млн. йўловчи-км ни ташкил қилди.



Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг йўловчи ташиш бўйича улуши 98,2 % ни ташкил этган.

Кичик бизнеснинг
йўловчи ташишда
улуши

• 98,2 %

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида нисбатан 89,4 % бўлиб, 5 406,1 млн. йўловчи-км ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 88,8 % ни ташкил этди. (2019 йил январь-сентябрь ойларида 89,1 %)